

## ХОЗИРГИ ДАВР ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ РОЛИ

Сохибов Акрам Рустамович  
Қарши давлат университети п.ф.н., доцент

**Аннотация:** Мазкур мақолада инновацион иқтисодиётни шакллантириши шароитларида ОТМни инновацион ривожлантириши жараёнларини бошқарши, бундараҳбарларнинг тутган ўрни, олий таълимнинг глобаллашуви жараёнларида олий таълим тизимиши бошқаршида юзага келган ёндашувлар, бу борадаги хорижий тажрибалар баён этилган, шунингдек, ОТМ раҳбарларининг инновацион компетенциялари ва уларни ривожлантишининг асосий йўналишлари тавсифлаб берилган, ОТМ ларда инновацион, илмий-педагогик ва илмий-тадқиқотчилик жараёнларини бошқарши фаолияти таҳтили амалга оширилган ҳамда ОТМ ларда инновацион ривожланни жараёнларини бошқаршида юзага келадиган низоли вазиятларни мониторинг қилиши, уларни ҳал этиши технологияларидан фойдаланиши орқали инновацион ривожлантириши жараённада раҳбарларнинг иштироки самарадорлигини ошириши бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: инновацион иқтисодиёт, рақамли бошқарув, ОТМни инновацион ривожлантириши, бошқарши, раҳбарлар, глобаллашув, олий таълим тизимиши бошқарши, конфликт жараёнб, хорижий тажрибалар, ОТМ раҳбарларининг инновацион компетенциялари.

**Abstract:** The processes of managing of innovative development in higher educational institutions in the conditions of formation of innovative economy, the roles of managers of the institutions, approaches to the management of the higher educational system in the process of globalization, and experiences of foreign countries in this field have been described in the article. Also, the analysis of the activity of management of innovative, scientific-pedagogical and scientific-research processes in higher educational institutions has been carried out. It has been attempted to develop some suggestions and recommendations for Monitoring of conflict situations in the management of innovative development processes in higher education, increasing the effectiveness of leaders' participation in the process of innovative development using technologies of resolving them.

**Key words:** processes of managing, of innovative development, manager, innovative economy, higher educational system, process of globalization.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются современные методологические основы управления высшим образованием в эпоху цифровизации. Обосновано место и процесс развития инновационного управления руководителей вузов. Указано процессы инновационного развития в условиях цифровой экономики руководителей вузов республики. Анализировано конфликтные ситуации в управлении инновационного развития и указаны пути, креативности руководителей высшего образования. Также даётся заключение и приложения в пути экономического развития современных методологических основы управления высшим образованием в эпоху цифровизации.

**Ключевые слова:** методология, управление, цифровизация, процесс, развитие, инновация, инновационное развитие, цифровая управление, анализ, конфликтные ситуации, креативность, заключения, приложения, экономическое развитие, современные методологические управления высшего образования.

Рақамлаштириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитларида мамлакатимиз олий таълим муассасаларидаги бошқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш учун ҳозирги кунда турли хил ички ва ташки имкониятларни ишга солиш кун талабига айланди. Бу борада янгича типдаги олий таълим муассасаларини юзага келтириш, олий таълим муассасаларини халқаро олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардош таълим муассасалари сифатида ўзларининг муносабиб ўрнини эгаллашлари учун миллый анъаналар, қадриятлар ва тажрибалар билан бир катор илгор хорижий мамлакатлардаги олий таълим муассасаларини бошқарши соҳасидаги тажрибаларни ҳам ўрганиш фойдалдан холи бўлмайди. Шу билан бир каторда мазкур хорижий тажрибаларнинг энг яхши намуналарини миллый олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиган ҳолда жорий қилиш вариантларини ҳам ишлаб чиқиши зарур бўлади.

Бу ўринда биринчи навбатда дунё тарихида доимий равишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши ўчклиаридан бири бўлиб саналиб келган Европа мамлакатларидаги олий таълим тизимиши ислоҳ қилиш, уларда замонавий университетларнинг қадим даврдан бери то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ таълим тарихига диккат қаратиш лозим саналади. Бунда Европа мамлакатлари олий таълим муассасаларида университетларни бошқаршишнинг анъанавий ва замонавий моделлари шаклланганинг эътибор қаратиш керак бўлиб, бу Европа олий таълим муассасаларининг инновацион, рақобатбардош ва сифатли олий таълим бера оладиган муассасага айланиш жараёнларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Европадаги университетларни бошқаришнинг анъанавий модели гумбольдт модели асосида амалга оширилиб, профессорлар таркибининг кучли таъсири билан ажralиб турар эди. Бунда университетда бошқарувнинг юқори органи бўлиб кўпинча турли хил факультетлар ва департаментлардаги профессор-ўқитувчилардан иборат бўладиган Сенат ҳисобланар эди.

Университет раҳбари (ректор) одатда “тengлар ичида биринчи” вазиятини эгаллаб, унинг олий таълим муассасаси ичида ижро ҳокимияти бирмунча бўшрок бўлар эди. Европа университетларида бундай вазиятларда ташки кенгаш мавжуд бўлmas, агар мавжуд бўлганида ҳам кўпинча факат маълум бир тадбирлардаги функцияларнигина бажарар эди.

Европа университетларининг гумбольдтча анъанавий моделида профессор-ўқитувчилар амалда университет ҳаётига тааллукли бўлган барча масалалар – биринчи ўринда университет ривожланишининг ўз нуқтаи-назаридан кўриладиган тасаввурларини химоя қилиш борасида қарорларни қабул қилас өдилар. 1990-2000 йилларга келиб эса европача анъанавий университетлар фаолиятини бошқаришнинг ислоҳ қилинишига олиб келган катта ўзгаришлар ва шарт-шароитлар вужудга келди. Мана шу вақтдан бошлаб Европа олий таълим муассасалари ичida университет иш фаолиятининг сифатини баҳолайдиган ва ўз ичига олий таълим муассасасини бошқаришда иштироқ этиш моделининг элементларини олган янгича типдаги модель жорий этила бошланди.

Бу ерда Европа илм-фани соҳасининг байроқдори бўлган университетларнинг ислоҳ қилинишига олиб келган сабаблар ва бундан кўзланган мақсад-вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Биринчи ўринда нима учун Европада 2000-йиллар бошларига келиб миллий университетларни ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлганлиги масаласига жавоб топиш зарур.

Бу даврларга келиб Европанинг ҳам алоҳида давлатларида, ҳам бутун Европа Йтифоқи бўйлаб умуман олганда “янгича оммавий менежмент” моделига ўтилиши мақсадида давлат бошқарувининг деярли барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш бошланди. Бу жараён шу жумладан, Европа таълим тизимининг ва инновацион жараёнларининг таянчи бўлган университетларда ҳам амалга оширила бошланди.

Янги натижаларга эришишнинг бош механизми бўлиб университетлар фаолиятининг натижаларига боғлиқ ҳолда уларни молиялаштириш тизимининг жорий этилиши санала бошланди. Бу эса ўз навбатида асосан манфаатдор ташки гурухларни жалб қилиш йўли билан натижаларнинг баҳоланишини ишлаб чиқишини талаб килди.

Шу нарса кўзда тутилдики, бозор шарт-шароитларининг яратилиши университетларни қарорлар қабул қилишнинг янги моделларини тузиб чиқишига ва бошқарув стратегиясини ривожлантиришга кўпроқ диккат қаратишга мажбур қиласди. Бунга қўшимча тарзда ҳалқаро таълим хизматлари бозоридаги ракобатчилик ҳам кучайиб кетди. Шунга мос ҳолда ҳалқаро университетлар рейтинглари пайдо бўлиб, уларда юқори позицияларни АҚШ университетлари эгаллаб ола бошлиди, Европадаги олий таълим муассасалари эса уларга бир нечта позициялар бўйича ютқаза бошлаб, рейтингларда пастга туша бошладилар. Бу эса шунга олиб келдики, Европадаги кўпаб мамлакатларнинг хукуматлари “ўз бағрида Гарвард”ни ташкил этиш бўйича пойгага қўшилиб кетдилар.

Европа олий таълим муассасаларидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади университетларни “институциональ актор”ларга айлантиришдан иборат бўлди. Бу университетнинг давлатдан нисбатана мустақиллигини ва ўзининг ривожланиши стратегиясини мустакил ишлаб чиқишини, ҳалқаро олий таълим хизматлари бозорида ракобатбардошлиликка эришишни кўзда тутар эди.

Бу харакатларнинг барчаси АҚШ ва Европа мамлакатларидаги университетларнинг тарихий ривожланишдаги ўзаро фарқли жиҳатлари мавжудлигини кўрсатиб қўйди. АҚШ университетларининг ҳалқаро рейтингларда Европа университетларига караганда юқори позицияларни эгаллаб олишлари америкача ва европача университетлардаги олий таълим тизимининг тарихий фарқли томонлари билан тушунтирилади.

Америкача университетлар ҳар доим ракобатли бозорда фаолият юритиб келганлар, бундан келиб чиқиб эса, улар ҳар қандай мумкин бўлган усуслар билан энг яхши ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни ўзларига жалб қилиб келганлар, битирувчилари ва донорларидан катта ҳажмдаги молиявий ресурсларни талаб қилиб келганлар. Америкача университетнинг ташкилий мустақиллиги ҳам потенциал талабалар учун, ҳам амалга оширилаётган тадқикотларнинг юқори сифати учун ракобат кураши билан кўллаб-куватланар ва кучайтирилар эди. АҚШ университетларида рўй берадиган исталган ўзгаришлар академик ҳамжамиятнинг ўзи томонидан бошланар эди. АҚШ университетларида хукумат эмас, балки айнан мана шу академик ҳамжамиятлар жамият ва меҳнат бозорининг олий таълим хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжлари учун жавоб берар эди.

Европа қитъасида эса университетлар ва давлат ўргасидаги жисп алоқалар узоқ вақтлар мобайнида давом этиб келди. Бунда бозор эмас, балки хукумат олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар ташаббусларини бошлар, олий таълим муассасаларини кўллаб-куватлар ва рақобат қоидаларини белгилар (яъни, сунъий ёки квази-бозор вазиятини яратиш) эди. Бундай тизимда молиялаштиришнинг ягона механизми мавжуд бўлmas, мамлакат ёки минтақанинг энг яхши олий таълим муассасасига ҳар томонлама давлат томонидан кўллаб-куватлаш ишлари амалга оширилар эди. Аксинча, олий таълим соҳасидаги алоҳида дастурлар бўйича маблағ олиш учун

университетлар орасида рақобат қураши борар эди. Олий таълим муассасалари турли хил давлат тузилмалари томонидан таклиф этиладиган танловларда иштирок этишга мажбур бўлар эди. Шундай қилиб, бюрократик рақобатчилик мухити сунъий равишда шакллантирилиб, бунда у бозор рақобатчилигига ўхашашга интиларди ва университетларни шунга мос холда ўз ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишига мажбур қиласи.

Европадаги олий таълим тизимида тобора ўсиб бораётган бозор рақобатчилиги шароитларида олийтаълим муассасаларини таққослаш мезоналарини ишлаб чиқишига ва улар ичидан энг яхшиларини аниглашга зарурат пайдо бўлди. Мана шу асосларда Европадаги олий таълим муассасаларининг таълим бериш ва академик самарадорлиги ҳамда маҳсулдорлигини баҳолаш тизими юзага келди. Масалан, мидорий баҳолаш билан рецензияланадиган журнallардаги нашр этилган мақолалар ҳисоб-китоби, сифат кўрсаткичлари билан эса битириб чиқарилаётган мутахассисларнинг малакаси баҳолана бошланди.

Европа университетларида киритилган бу янгиликлар муқаррар равишда олий таълим муассасаларида ташқилий ўзгаришларнинг ҳам амалга оширилишини талаб қилди. Университет ичидаги хокимият аста-секин менежерлар ва маъмурият вакилларига ўта бошлаб, бунда улар баҳолашлар тизимини ва маълум бир параметрларга риоя қилинишини назорат қила бошладилар.

Мамлакат ҳукумати томонидан бошлаб берилаётган янги стратегик ривожланиш дастурлари Европа университетларини ўзгаришга мажбур қиласи. Рақобатбардошлилик асосида молиялаштиришнинг жорий этилиши олий таълим муассасаларини ички муносабатлар динамикасини ўзгаришга ва бошқарувнинг янги услубларини синовдан ўтказишга мажбур қиласи.

Юкорида баён этилган вазиятлар асосида Европа олий таълим муассасаларида ислоҳотларни амалга ошириш турхил суръатлар ва шароитларда борди. Бунда мазкур ислоҳотлар натижасидаги ўзгаришларнинг моҳияти олий таълим муассасаси ичидаги бошкраув тузилмасини қайта ишлашдан иборат бўлди.

Европа университетлари (энг аввало, гумбольдтча моделда фаолият олиб бораётган университетлар)да ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий вазифаси академик Сенат таъсири (хукмронлиги)ни камайтириш ва олий таълим муассасасининг раҳбари (ректори ёки президенти) ва Ташқи кенгаш томонидан маъмуриятнинг таъсирини кучайтиришдан иборат қилиб белгиланди. Бу йўналишда маълум бир чора-тадбирлар қабул қилинди, лекин уларнинг барчаси ҳам ҳаётга ҳамма вақт муваффақиятли жорий этилмади.

Ташқи кенгашнинг асосий вазифалари стратегик масалаларни ҳал қилиш, университет ва жамоатчилик ёки вазирлик ўртасида жамоатчилик манфаатларини намоён қиладиган медиатор сифатида ўртага чиқишидан иборат бўлади.

Қарорларни қабул қилишнинг айрим соҳаларида кенгашлар боскичма-боскич равишда академик Сенатларнинг ўринини эгаллаб бориб, бу “профессорлар олигархияси”нинг позицияларини бўшаштиришга имкон беради. Бироқ, кўплаб Европа университетларида Кенгаш ўзининг “ташқи” вазифасини тўлиқ бажармайди, чунки унинг аъзолари ичida талабалар, маъмурият ва профессор-ўқитувчиар ичидан танлаб олинган олий таълим муассасасининг вакиллари мавжуд бўладилар. Бу эса Кенгашдаги ташқи ва ички иштирокчиларнинг манфаатлари тўйнашуви сабаб низоларни келтириб чиқаради, шу жумладан, университет ҳаётининг кундалик масалаларига дикқатни жамлашга халақит беради. Шундай қилиб, Ташқи кенгашнинг таъсири бир қадар пасайиб кетади ва университетни бошқариш бўйича реал таъсир (хукмронлик) кучи олий таълим муассасасининг раҳбари (ректори ёки президенти) кўлига ўтади.

Бундан ташқари, ўрга бўғиндаги маъмурият вакилларининг таъсир кучи оргади ва университетлардаги Сенатларнинг роли минимум ҳолга келтирилади. Кўпчилик ташкилий масалаларнинг ҳал қилиниши профессор-ўқитувчилар гурухи кўлидан ректор, деканлар ва директорлар ихтиёрига ўтади.

Яқин вақтларгача Европа олий таълим муассасаларида на ректор лавозими, на факультет декани позицияси бирон-бир нуфузли жой сифатида олиб қаралмас эди. Кўпчилик профессорлар туб ташкилий ўзгаришларни киритишни истамай ва ўз ҳамкасларига қарши низоларга боришни хоҳламай, ўзлари эгаллаб олган лавозимда жой эгаллаб, вақт ўтказиш пайида бўлар эдилар.

Ислоҳотларнинг жорий қилиниши билан олий таълим муассасаси раҳбарининг профессор-ўқитувчилар ва ўз фаолияти бўйича ҳисобот бериши лозим бўлган. Ташқи кенгаш томонидан тайинланиш амалиёти бекор бўлади. Олий таълим муассасаси раҳбарининг ўринbosарлари, факультетлар деканлари ва кафедралар мудирлари кадрлар масаласида ва айrim молиявий қарорларни қабул қилишида янада мустакилроқ бўла борадилар ҳамда ўз фаолиятлари бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби олдида эмас, балки олий таълим муассасаси раҳбари олдида ҳисобот берадилар.

Европа университетлари ичидаги хукмронлик иерархиясида маъмурият вакилларининг позицияси кўпинча ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ қхолда кутилганидек уччалик кучли бўлиб чиқмади. Олий таълим муассасаси раҳбари (ректори ёки президенти)ни тайинлаш тадбiri Европанинг барча олий ўқув юртларида бирдек жорий қилиб кетилмади – китъядаги кўплаб университетлар четдан таклиф қилиш ўрнига худди илгаригидек Сенат



томонидан университет раҳбарини тайинлашни давом эттироқдалар.

Университет маъмурияти вакиллари сифатида ҳам кўпчилик вазиятларда худди шу университетдаги профессорлар гурухи аъзолари фаолият олиб борадилар. “Ўз” ректори ва маъмуриятдаги “ўз” кишилари кўпинча университет фаолиятининг кучли ва кучсиз томонларини объектив равишда баҳолай олмайдилар, шунингдек, мавжуд муносабатлар тизимидан воз кечга олмайдилар. Шунга мос ҳолда улар ўз факультети профессорларининг манбаатлари билан (шу жумладан, унча кўп бўлмаган молиявий ресурслар учун) ва академик маҳсулдорлик кўрсаткичлари (жумладан, ўқитишини баҳолаш, битирувчилар сони, университетни ривожлантиришга қўшиган ҳисса ва шу кабилар) бўйича ҳисобот бериш орасида мувозанатни топиш пайида бўладилар.

Факультетлардаги бўлинмаларни бирлаштириш ва вақтингчалик шартномалар бўйича ишлайдиган ўқитувчилар сонининг ортиши ҳисобига университетни бошқаришда профессорларнинг таъсири камайтирилади.

Ихтисосликлар (кафедралар)нинг кичрайтирилиши ягона жамоанинг бирлашувига ва ҳар бир алоҳида профессорнинг таъсири пасайишига имкон беради. Доимий асосда ишловчи ўқитувчиларни вақтингчалик ишлайдиган ўқитувчилар билан алмаштириш ҳам профессорларнинг позициясининг барқарорлигини анча пасайтиради. Бунга қўшимча тарзда шартнома асосида маъруза ўқитдиган мутахассисларни жалб этиш талабга анча аниқ равища акс-жавоб беришга имкон ҳосил қиласи: бугунги кунларда талабалар аудиторияси айни пайтда бир турдаги билим ва компетенцияларни талаб қиласа, эртага бутунлай бошқаларини талаб қилишга ўтади.

Вақтингчалик шартномалар механизми “янги жамоатчилик менежменти” гояларига мос келади ва университетга ўзгарувчан ташки мухит шароитларига тезда мослаша олиш ҳамда ўз ўрнини топишга имкон беради.

Шу билан бирга, сифатни баҳолаш тизими ҳам жорий этилади. Илмий тадқиқотларни қўллаб-куватловчи давлат органлари ҳам, жамоатчилик фондлари ҳам университетлардан ҳисобот топширилишини талаб қилиб, бу ҳисоботлар бўйича ОТМ фаолиятининг сифатини баҳолаш мумкин бўлади.

Мана шундай вазиятларда университет молиявий назорат ва аудитнинг корпоратив моделига мослашади, бу одель маҳсулдорлик ва самараదорлик индикаторлари билан жисп боғланган бўлади. Булар олий таълим муассасасининг бутун муассаса бўйича ва факультетлар кесимидағи ҳисоботлари, ташки эксперт баҳолашлари, шунингдек, тадқиқотчилик ва ўқитувчилик фаолиятининг рецензияланадиган журналларда нашр этилган мақолалари ва грант буортмалари сони кабистандарт шакллардан изборат бўлади.

Амалиётда академик самараదорликни баҳолаш тизими кўп ҳолларда факат формаль жиҳатдан олиб борилади ва бу университет ишида деярли хеч нарсани ўзгартира олмайди. Масалан, агарда профессор доимий шартнома асосида ишлаётган бўлса, у ҳолда маъмурият ихтиёрида профессорнинг фаолиятига ва унинг маҳсулдорлигига таъсир ўтказиш учун деярли имкониятлари бўлмайди. Бундан ташқари, илмий маҳсулдорликни баҳолаш тизими АҚШ университетларининг тажрибаларига таянади ва Европа олий таълим муассасаларида мутахассис-кадрларнинг иш фаолиятини олиб боришдаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олмайди. Масалан, АҚШ да мұхандислар академик мұхитдаги карьерага интиладилар, шунинг учун улар учун нашр этилган мақолалар сонининг кўп бўлиши мұхимдир. Германияда эса саноатда узок йиллар (10-15 йил) давомида етарлича тажриба тўпламасдан туриб мұхандис-профессор бўлиш имконияти деярли йўқдир, шу сабабли Германиядаги академик карьерадан кўра саноат тармокларидағи меҳнат фаолияти мұхимроқдир.

Европа китъасидаги мамлакатларнинг олий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг натижаси бўлиб қитаъ университетларини бошқариш моделларининг АҚШ олий ўкув юртларида фойдаланиладиган университетни бошқариш моделларининг ташки яқинлашуви ҳисбландади. Университет хаёти таълим бериш-илмий маҳсулдорлик ва самараదорликнинг энг юкори кўрстакиҷларига эришиш тамойиллари негизида қайта қурилишини бошламоқда. Бунда қуидагиларга эришилиши кўзда тутилгандир:

- олий таълим хизматлари (сунъий яратилган) бозори шаклланади;
- университетлар орасидаги рақобатчилик кучая боради;
- маъмурият вакилларининг таъсири ортиб боради;
- давлат назорат органлари томонидан тўғридан-тўғри назорат қилишнинг ўрнини эгаллайдиган ташки кенгашлар жорий қилинади;
- профессорларнинг олигархик гурухи таъсири камаяди.

Адабиётлар рўйхати  
1. Армстронг М. Практика управления человеческими ресурсами. 10-е изд. СПб.: Питер, 2012.

2. Блохина М.С. Основные направления развития инновационных компетенций руководителей коммерческих организаций.-<https://cyberleninka.ru/article>.

3. Блохина М.С. Инновационный потенциал современных руководителей как фактор развития инновационного общества // Вестник высшей школы. Alma mater. Секция: Экономика и управление в социальных системах. 2019. № 7. С. 60-66. DOI:

4. Бермус А.Г. Гуманитарные смыслы образования: из XX - в XXI век. Ростов-на-Дону: Изд-во ЮФУ, 2015; Левицкая И.А. Социокультурный подход как методологическое основание педагогического исследования // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия: Гуманитарные науки. 2012. № 2. С. 54-58..
5. Батоврина Е.В., Шестоперов А.М. Научно-исследовательская среда и формирование инновационно-ориентированных кадров в России // Вестник Московского университета. Серия 21: Управление (государство и общество). 2011. № 2. С. 34-47. Бермус А.Г. Введение в гуманитарную методологию. М.: «Канон+» РООИ «Реабилитация», 2007.
6. Медведь А.А., Медведь П.А. Институт креативного образования как способ инвестирования в человеческий капитал РФ // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия: Экономика и экологический менеджмент. 2015. № 4. С. 136-144.
7. Лапин Н.И. Социокультурный подход и социетально-функциональные структуры. Социологические исследования. 2000. № 7. С. 3-12; Левицкая И.А. Социокультурный подход как методологическое основание педагогического исследования // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия: Гуманитарные науки. 2012. № 2. С. 54-58.
8. Сорокин П. Человек, цивилизация, общество. М.: Политиздат, 1992.
9. Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры: пример России // Вопросы философии. 1994. № 4. С. 14-34.
10. Сохибов А.Р. “Олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш жараённда раҳбарларнинг ўрни” (Лойиха иши). Т.: 2022.
11. Сохибов А.Р. “Pedagogik mahorat” ilmiy-nazariy va metodik jurnal. 2022, № 5. Бухоро. «Олий таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион компетенциялари ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» Бухоро 2022 й.
12. Сохибов А.Р. ҚарДУ хабарлари журнал, 2022 йил №6 сон “Хозирги давр олий таълим тизимини инновацион бошқарища хорижий тажрибаларнинг роли” Қарши 2022й.
13. Сохибов А.Р. Таълим ва инновацион тадқиқотлар. Халқаро илмий-методик журнал. “Modern methodological bases of higher education management in the age of digitisation” 2022 йил №10 Таълим ва инновацион тадқиқотлар. Халқаро илмий-методик журнал. “Modern methodological bases of higher education management in the age of digitisation” 2022 йил №10. 169-176 б.